

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ****Бекмуродов Нормурод Некмуродович**ИИБ Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи ўринбосари
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574894>

Аннотация. Мақолада тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда ушбу фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари ёритилган.

Таянч тушунчалар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбири, ҳуқуқий манбалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун, ҳуқуқ.

Юртимизда ҳозирги кунда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа соҳадаги ислохотларнинг барчаси фуқароларимизнинг манфаатлари ҳамда демократик жамият қуриш йўлида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил

26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПФ-6196-сон Фармонида асосан ҳамда ИИО жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғояларнинг тарқалиши ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Сўнгги тўрт йил ичида Республикада Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашишда замонавий воситалар ва усуллардан фойдаланиш, жамоат хавфсизлигини ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг самарали тизимини босқичма-босқич ташкил этилди ва ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўйдаги чора-тадбирлар белгиланди [1]:

уюшган жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари ноқонуний айланмасига қарши курашиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш;

ахборот технологиялари ва Интернет тармоғидан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш борасида тубдан янги механизмларни жорий этиш;

тезкор бўлинмалар фаолиятини дастурий таъминлаш, замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш.

Тезкор-қидирув фаолияти давлат бошқарув функциясининг ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган фаолият тури бўлиб, у орқали фақат тезкор бўлинмалар томонидан жиноятчиликка қарши кураш чораларнинг умумий тизимидаги комплекс ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифалари амалга оширилади. Кўрсатилган вазифалар тизимининг комплекслилик хусусияти унинг кўп қиррали вазифалари, жумладан тезкор-қидирув йўли билан жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни аниқлаш, очиш, қидирилаётган шахсларни аниқлашда ифодаланади.

ИИО тезкор-қидирув фаолияти мавжуд ҳуқуқий манбаларда кўзда тутилган нормалар тизимига таянади [2]. Лекин ҳуқуқ нормалари томонидан тартибга солиш аҳамияти турличадир. Бундай нормаларнинг баъзилари бевосита тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солмаса-да, уни амалга ошириш, турли ташкилий ва тактик масалаларни ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган фикрларга таянадиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси – жиноятчиликка қарши кураш жараёнида ИИОларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ошқора ва ноошқора фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир, деган хулосага келиш мумкин.

Бошқа манбаларда эса бу йўналиш уч қисмга бўлинган, яъни: давлатнинг қонун чиқарувчи органлари томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар; давлат юқори ижроия органларининг қонуности норматив ҳужжатлари; ИИВнинг идоравий қонуности норматив ҳужжатлари (буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқнома ва бошқ.).

Бизнингча, тезкор-қидирув фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, ушбу фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- 1) конституциявий (миллий қонунлар);
- 2) халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар;
- 3) қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- 4) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра ҳуқуқий нормалар мазмунини акс эттиради.

У тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида тури сифатида, яъни унинг субъектлари ва бошқа иштирокчилари ҳамда бу фаолият жараёнига жалб этилган бошқа жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий

ва ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Таъкидлаш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларининг мазмуни кўпгина ҳуқуқий манбалардан вужудга келган бўлиб, мисол учун, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларидан энг муҳими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. У бевосита амал қилади ва олий юридик кучга эга. Бошқа барча қонунлар ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўлиғича Конституция талабларига жавоб бериши керак. Ҳар қандай

хуқуқий келишмовчилик фақат Конституция фойдасига ҳал этилиши лозим. Қонунийлик, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш тезкор-қидирув фаолиятининг асосий принципларидан ҳисобланади. Хусусан, бу ўринда фуқароларнинг мулк ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сир сақланиши ҳуқуқлари ва ҳоказолар хусусида сўз юритилади. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар, фақат улар асосий конституциявий тартиблар, шахсларнинг соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатни мудофаа қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлганда қонунда белгиланган даражада чекланиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда жиноят-процессуал қонунчилик ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки ЖПКда тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят белгиларини аниқлаш, уларни фош этиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлашдаги амалий роли кўрсатиб ўтилган.

Тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят процесси ўзаро боғлиқлиги давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Олим В.Н.Цимбалнинг фикрича тезкор-қидирув фаолияти жиноят-процессуал фаолият билан ўзаро боғлиқ, бироқ тезкор бўлинмаларининг фаолияти мустақил ҳисобланади. Улар фаолияти давомида бир-бирига бўйсунмайди. Ҳар бир соҳа ўз ваколати доирасида бир қатор ўзига хос восита ва усулларга эга: ҳодисалар тўғрисида керакли маълумотларни тўплайди, қайд этади, баҳолайди ва таҳлил қилади, агар керак бўлса, ўзаро таъсир қилувчи томонни ушбу жараёнга жалб қилади [3].

Ҳуқуқий манбаларнинг яна бир гуруҳини тезкор-қидирув фаолиятини давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти сифатида белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ташкил қилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини тўлиқ легитимлаштиришда муҳим манба Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни ҳисобланади. Унда қуйидагилар белгиланган: тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси, унинг мақсади, вазифалари, ҳуқуқий мазмуни, субъектлари, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органлар, олинган натижалардан фойдаланиш асослари ва тартиблари ҳамда Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш вақтида қонунийликка риоя қилиш кафолатлари ва ҳоказо [4]. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан икки асосий вазифани ҳал этишга эришилади: биринчидан, тезкор-қидирув фаолиятига жиноятчиликка қарши курашда давлатга оид ҳуқуқий шакл сифатида расмий мақом берилди; иккинчидан, энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва тезкор бўлинмаларни ўзига хос фаолиятининг янги, замонавий қонунчилик базаси учун мустаҳкам асос яратилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси яратилди.

Тезкор-қидирув фаолиятининг кўп субъектлик хусусиятини белгилаш ҳамда тезкор-қидирув фаолияти соҳасини ва унинг субъектлари доирасини кейинчалик аста-секин кенгайтириш муносабати билан мазкур фаолият ва унинг субъектлари доирасини

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”, 2000 йил 15 декабр кунидаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, 2008 йил 17 апрел кунидаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги, 2004 йил 26 август кунидаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2017 йил 3 январь кунидаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, 2014 йил 14 май кунидаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, 2016 йил 16 сентябрь кунидаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги шунингдек, бошқа айрим қонунларини бу фаолиятнинг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи тармоқ ҳуқуқий манбаларига киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

ИИОнинг шахс ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасидаги фаолиятининг, шунингдек ички ишлар органлари зиммаларига юклатилган функцияларини бажаришнинг самарадорлигини белгиловчи кўплаб омиллар ичида дастлабки ўринлардан бирини ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш тартибини мукамал ўрганиш эгаллайди.

Фикримизни изоҳлайдиган бўлсак, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа қонунларга тезкор-қидирув фаолияти соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонун ости ҳужжатларни киритилиши керак.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, олимларнинг бу масала бўйича фикрларининг хилма-хиллигини мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини аниқлаш, шунингдек, унинг манбаларини таснифлаш билан боғлиқ бўлади.

Айрим манбааларда тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган норматив ҳужжатлар ташкил этади деб кўрсатиб ўтилган [5].

Ҳуқуқшунос олими В.М.Атмажитов тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини махсус ташкилий чора-тадбирлар ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш учун ҳуқуқий замин (шароитларни) яратадиган қонунлар ва қонуности ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳуқуқий нормаларнинг тизими деб ҳисоблайди [6].

Ушбу таърифлардан биз, ички ишлар органларининг тезкор-қидирув фаолияти турли хил ҳуқуқ манбаларини нормалари тизимига асосланган деган фикрга келамиз. Улардан баъзилари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишни бевосита тартибга солмаса ҳам, унинг турли ҳуқуқий, ташкилий ва тактик жиҳатларини ҳал қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бошқа ҳуқуқий меъёрлар ўзида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларни мужассам этади. Яна бир ҳуқуқий нормалар, булар тезкор-қидирув фаолиятини бевосита тартибга солувчи

нормалар ҳисобланади. Улар тезкор-қидирув фаолиятининг куч ва воситалари, чора-тадбирлари, усуллари ва шаклларидадан фойдаланишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва тактик масалаларини тартибга солувчи бир қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлади ва уларни доимий равишда такомиллаштириб бориш зарур деган хулосага келдик.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
2. Саитбаев Т.Р. К истории оперативно-розыскного права // Хуқуқ-Право-Law. – 1999. – №4. – 74-78-б.
3. Цимбал В.Н. Использование оперативно-розыскной деятельности как источника криминалистически значимой информации. Вестник Краснодарского Университета МВД России. 2014 № 4 (26) с-212.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 344-сон Қонуни
5. В. Ю. Алферов, А. И. Гришин, Н. И. Ильин Правовые основы оперативно-розыскной деятельности. Учебное пособие. Саратов. 2016. С-19
6. Аتماжитов В.М. Сущность организации оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел // Организация оперативно-розыскной деятельности: Курс лекций. – М., 2015. – С. 25-27